



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Владимир НОРОВ: ШХТ янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий устуворликлари тизимида

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир НОРОВ 15 июнь — ШХТ ташкил топган кун муносабати билан “Дунё” АА мухбири саволларига жавоб қайтарди. Сўхбатда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташкилот доирасида илгари сурган ташаббуслари, нуфузли халқаро бирлашма билан ўзаро ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида сўз боради.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти — энг ёш тузилмалардан бири, бироқ ўсувчанлик билан ривожланиб бораётган халқаро ташкилот. 15 июнь куни ШХТ тузилганига 21 йил тўлди. Утган давр мобайнида ушбу ташкилот маслаҳат механизми форматидан кенг қамровли давлатлараро бирлашмагача бўлган даражага юксалди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилишида аввалбошданок иштирок этган, унинг изчил ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган ва қўшишда давом этмоқда. 2021-2022 йилларда мамлакатимиз ушбу нуфузли ташкилотга раислик қилаётир.

— Ҳурмати Владимир Имомович, саволларимизга жавоб беришга рози бўлганингиз учун миннатдорлик билдираимиз. Сиз Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлигидаги устувор йўналишлардан

бири — ШХТда 2019-2021 йиллар давомида Бош котиб лавозимида ишлагансиз. Шу боис, бу ташкилотнинг бугунги кундаги нуфузи ва унинг халқаро майдонда қандай ўрин тутатгани ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Аввало, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, нисбатан қисқа давр оралигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ривожланишининг узок йўлини босиб ўтди ва глобал сиёсий ҳамда иқтисодий воқеликнинг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Бугунги кунда ШХТ дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот ҳисобланади. Унга аъзо мамлакатларнинг умумий ҳудуди 34 миллион квадрат километрдан ошади. Бу Евроосиё қитъаси ҳудудининг 60 фоиздан ортиғи, дегани. ШХТ мамлакатларининг умумий аҳолиси 3,2 миллиард кишини ташкил этади, бу эса, дунё аҳолисининг қарийб ярмидир.

Ташкилот 8 та доимий аъзо давлатни, 4 қўзатувчи ва 9 мулоқот бўйича 9 шерик давлатни ўз атрофига бирлаштирган. 21 мамлакатдан иборат “ШХТнинг катта оиласи” уч қитъани — Осиё, Европа ва Африкани қамраб олган. Шу билан бирга, бошқа мамлакатларнинг ушбу тузилма билан у ёки бу форматда ўзаро ҳамкорликка бўлган қизиқиши тобора ўсиб бормоқда.

БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари, АСЕАН, МДХ, КХШТ, ЕАЭС, СВМДА, ОЭС сингари шерик ташкилотлари тармоғи изчил кенгайиб бораётгани ШХТнинг халқаро обрў-этибори ошишига қўмаклашмоқда. Ҳозирги пайтда Араб давлатлари лигаси ва бошқа қатор кўп томонлама тузилмалар билан алоқалар йўлга қўйилмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

ШАРҲ

Қишлоқ хўжалиги ривожини

аҳоли фаровонлиги, бозорларимиз
тўкинлигига хизмат қилади



Серқўёш Ўзбекистон заминининг ҳар бир қаричи тиллога тенг. Негаки, юртимизнинг ҳосилдор тупроғи, қўёшли иқлим шароити нафақат пахта ва ғалла, балки сабзавот ёки зиравордан тортиб, тропик меваларни етиштириш учун ҳам қўлай. Шу маънода, мамлакатимизнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича имкониятлари, ҳали ишга солинмаган салоҳияти жуда юқори. Бу халқаро жамоатчилик томонидан ҳам кўп бора эътироф этилган.

▶ Давоми 2-бетда

БУНЁДКОРЛИК

ИСЛОҲОТЛАР ЭПКИНИДАН БАҲРАМАНД БЎЛАЁТГАН ОЛИС МАҲАЛЛА

Маҳалла — Ватан ичидаги кичик Ватан. У қанчалик обод бўлса, юртимиз шунчалик обод, халқимиз турмуши фаровон бўлади.

Мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар, аввало, маҳаллаларда, ҳар бир инсон ҳаётида бўй кўрсатишини таъминлашга устувор аҳамият қаратилаётганининг сабаби ҳам шу. Жорий йилга “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили” деб ном берилиб, бу борада давлат дастури қабул қилингани маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамламоқда.

▶ Давоми 4-бетда



Рашид Галиев олган сурат.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

КИЧИК ДАРЁЛАРНИНГ УЛКАН ҚУВВАТИ

Мамлакатимизда 430 та каттаю кичик дарё бор. Уларнинг умумий узунлиги 12,7 минг километрни ташкил этади. Бугунги кунда юртимиз аҳолисига етказиб берилаётган электр қувватининг қарийб 14 фоизи ана шу сув артерияларидаги гидроиншоотлар ҳиссасига тўғри келади.

— Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни изчил ошириш, шу асосда янги экологик тоза ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш негизда амалдаги гидроэлектростанцияларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш каби вазифалар ташкилотимиз зиммасига юкланган устувор масалалар сирасига киради, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдугани Сангинов. — Вақт — оқар дарё, деган ибора бор. Бу гидроэнергетиклар учун оддий ҳикмат эмас, балки улар фаолиятининг мазмунига муштарак, десак муболага бўлмайди.

Авваллари сув дунёдаги энг арзон табиий ресурс ҳисобланган бўлса, энди қимматбаҳо неъматга айланиб борапти. Кейинги йилларда сув товар сифатида халқаро хомашё биржаларида сотувга қўйилаётгани ҳам шундан далолат беради. Қолаверса, минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда. Худди шундай бир кезде, унинг “яшил энергия” яратишдаги имкониятидан ҳам самарали фойдаланишимиз зарур. Бу зарурат табиатнинг энг улуг инъомини етти эмас, етмиш бор ўлчаб, оқилона ишлатишни кун тартибига қўймоқда.

▶ Давоми 4-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

КўНГИЛЛАРДАГИ УМИД ШИФО ТОПАЁТГАН БОЛАЛАР БИЛАН БИРГА УЛҒАЙЯПТИ



Музаффар Абдуллаев олган сурат.

“Соғлиқ ҳамма нарса эмас, лекин усиз ҳамма нарса — ҳеч нарса”, деган эди юнон файласуфи Сукрот. Дарҳақиқат, инсон саломат бўлсагина, умр аталмиш неъмат унга татийди. У туфайли жамият тараққиёти илдамлайди. Шу боис, соғлом инсонга эл-юртнинг бебаҳо бойлиги, дея таъриф берилади.

▶ Давоми 5-бетда

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

Журналистика — ижод майдони, журналист — ижодкор шахс

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ БАЙРАМИ АРАҲАСИДАГИ ЎЙЛАР

Ҳозирги замонда инсоният ҳаётининг бош хусусияти муттасил ўзгаришлардан иборат бўлиб қолмоқда. Бу ўзгаришлар мисли қўрилмаган шиддатли суръатларда кечаётгани давр ва замоннинг яна бир хос хусусиятидир. Ана шу шиддатли ўзгаришларнинг бош сабабчиси АХБОРОТ экани эса аллақачон дунё афкор оммаси томонидан эътироф этилган.

Ахборот одамни, дунёқарашларни, анъанаю қадриятларни, халқни, жамиятни, давлат тутумларини ўзгартирмоқда. Мулоқотлару муносабатларни мутлақо қутилмаган ва фавқуллодда ўзанларга буриб юбормоқда. Замондошларимизнинг бугунги кунини, эртаси ва истиқболи уларнинг ахборотга, ахборот оқимиға муносабатидан келиб чиқиб белгиланмоқда.

Вазият ва ҳолатнинг парадоксал даражада ажабтовурлигини қарангки, дунёни ва одамни ўзгартираётган ахборотнинг ва ахборот дунёсининг ўзи ҳам ўзгаришга, янгиланишга юз тутмоқда.

Одатда дунё мамлакатлари уч тоифага — тараққий топан, ривожланаётган ва ривожланмаган давлатларга табақалаштирилади. Энди бу табақалаштиришда ахборотлаштириш қай даражада экани энг муҳим ва зарур кўрсаткичлардан бирига айланиб бормоқда. Чунки аҳолининг ахборот олиш ва тарқатиш имконияти жамиятда

ижтимоий комиллик пойдевори бўлмиш эмин-эркин фикрлаш муҳити яратилганидан далолатдир.

Ҳозирга келиб, бирорта давлат глобал ахборот оқимидан четда қолмаган, десак янглишмаймиз, зеро, замонавий технология воситалари олдида ҳеч қандай тўсиқ-чегара қолмади ҳисоб. Бинобарин, ҳар қандай катта-кичик, муҳим-номуҳим ахборот исталган лаҳзада дунёга тарқалиши мумкинлиги ҳеч кимни ҳайратлантирмай қўйди.

▶ Давоми 6-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати



Конституциямизда хусусий мулкнинг дахлсиз экани алоҳида белгилаб қўйилган. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 53-моддасига кўра, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Зеро, мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминламасдан туриб, иқтисодий ривожланишга эришиш мушкул.

ХУСУСИЙ МУЛК ФАОЛИЯТИ КАФОЛАТЛАНИШИ КЕРАК

Шу боис, мамлакатимизда хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш, қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни шакллантириш, ҳар қандай хусусий мулкдорнинг қонуний йўл билан қўлга киритган мулки дахлсизлигига асло шубҳа қилинмаслигини таъминлайдиган ишончли ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилган.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 17-моддасида “Ҳар бир инсон яқка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас”, деб белгилаб қўйилган. Бу мулкдор қонун йўл қўйган асосларда, доирада ўз мулкига ўзи эгалик қилади, ўзи фойдаланади ва ўзи тасарруф этади, дегани. Аммо шунга қарамай, айрим мансабдор шахслар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларнинг хусусий мулкига нисбатан тажовуз қилиш ҳолатлари ҳали-ҳамон учраб турибди. Бу эса тадбиркорликнинг изчил ривожланишига, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт кўламини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Конституциямизнинг 53-моддасида хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш, хусусий мулк устунлигини асосий тамойил сифатида белгилаш, шу жумладан, мулкдор ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш ҳақидаги нормани белгилаб қўйиш керак, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустақамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш лозим. Қолаверса, мулкларни олиб қўйиш ёки бузишдан олдин мулкдорга етказилган зарар тўлиқ қопланиши ҳақидаги норма ҳам киритилиши керак.

Ишончим комилки, бу орқали тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритади, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириб, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтиради. Энг муҳими, бундай тартиб-қоидалар пировардида, иқтисодиётда хусусий мулкнинг самарали фаолияти учун қулай шароитларни яратади.

Давр нафаси

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Ижтимоий давлат — мазкур соҳага устуворлик қаратиладиган, фуқаролар тенглиги таъминланадиган, уларнинг табақаларга ажралишига йўл қўйилмайдиган, умумий фаровонлик бўладиган жамият демак. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ижтимоий давлат ривожланишининг сифат жиҳатидан янги босқичи — уни конституциявий тамойилда қуриш, давлатнинг алоҳида тури сифатида талқин қилиш бошланган. Урушдан кўп ўтмай, ижтимоий давлат конституциявий тамойил сифатида Япония, Германия, Франция, Италия, кейинроқ 70-йилларда Испания, Португалия, Швеция конституцияларида мустақамланган.

Ҳозирги вақтда дунёнинг барча ривожланган мамлакатлари у ёки бу даражада де-факто ижтимоий давлатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Конституциясида ҳам ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат принципларини амалда таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган беш йилликдаги Ҳаракатлар стратегияси барча ислохотлар бўйича устувор йўналишларни бажаришга асос бўлган муҳим ҳужжат сифатида тарихдан жой олди. Парламентимиз томонидан сўнгги беш йилда айнан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, унинг ижтимоий эҳтиёжларига дахлдор 158 та қонун қабул қилинди, 14 та халқаро ҳужжат ратификация бўлиб, 5 та халқаро ҳужжатга қўшилди.

2021 йил 1 апрелдан бошлаб кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ягона реестри ахборот тизимига киритиш орқали болалар нафақаси, моддий ёрдам бериш бўйича рўйхатга олишнинг янги механизми жорий этилди. Оворагарчиликлар, қорғозбозликларнинг олди олинди.

Ўртимизда очик сиёсат юритилиб, илк бор аҳолининг камбағаллик даражаси тан олинди. Айтиш кераки, бу муаммони ечиш учун Президентимиз ташаббуси билан тизимли чоралар қўрилмоқда.

Муҳим жиҳати, ижтимоий ҳимоя бўйича давлат бошқаруви тизимида ҳам институционал ўзгаришлар юз берди. Жумладан, алоҳида Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги, шунингдек, Тиббий-ижтимоий хиз-

матларни ривожлантириш агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси каби ижтимоий ҳимоя тизимида алоҳида махсус ваколатли давлат органлари ташкил этилди.

Яна бир масала: ногиронлиги бўлган шахсларга жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиш учун кенг ва тенг имкониятлар яратилди. Давлатимизда ногиронлиги бўлган қарийб 1 миллионга яқин шахснинг ҳуқуқларини бевосита таъминлашга қаратилган 35 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун амалиётга йўналтирилди, БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ратификация қилинди.

Нуроний ва фахрийларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилди. Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 9 фоизини кексалар ташкил этади. Уларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ғамхўрлик кўрсатиш учун маҳалла даражасида тизим яратилмоқда.

Мамлакатимизда 376 та давлат ижтимоий муассасаси, шундан 52 таси катталар ижтимоий ташкилоти сифатида фаолият юритаётганини таъкидлаш лозим. Шу ўринда мамлакатимизда ижтимоий сиёсат борасидаги барча сазъ-ҳаракатлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоханглигини таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий ва кучли томони инсоннинг барча фаолиятини қамраб олувчи турли дастурларнинг кенг доираси мавжудлигидир.

ШАРҲ



Исроилжон ХОЛМИРЗАЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи,
иқтисод фанлари номзоди

“

Қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида халқаро молия институтлари маблаглари ҳисобидан аграр соҳада умумий қиймати 400 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестиция лойиҳалари ишга туширилади. Шунингдек, ҳар бир ҳудудда камида биттадан агрологистика марказлари барпо этилади. Мазкур марказларда халқаро бозорларда тан олинган сифат сертификатларини олиш имконияти яратилади.



УшА суратлари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИ

аҳоли фаровонлиги, бозорларимиз тўқнлигига хизмат қилад

Бошланиши 1-бетда

Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича жаҳонда мавжуд вазият бугун ўз имкониятларимизни яна бир бор таҳлил этиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, улардан қўшимча қиймат занжирини яратиш, экспорт каби қатор долзарб масалалар бўйича галдаги устувор вазифаларни белгилаб олишни тақозо этапти.

Маълумки, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилиниб, соҳа ривожининг комплекс чора-тадбирлари белгиланган эди. Президентимизнинг 2022 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори стратегияда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлашда муҳим дастуриламал вазифасини ўтайди. Жумладан, қарор билан стратегияда белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида энг асосий эътибор уларнинг сифат даражасини оширишга қаратилиб, сифат назоратини ўрнатиш билан боғлиқ янги механизмлар жорий этилди.

Ҳужжатда малакали кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида жорий йил якунига қадар Қўқон озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институт ташкил этилади. Ушбу олий таълим муассасасида халқаро таълим стандартлари даражасидаги халқаро бозорларда тан олинган сифат

стандартларини (Global G.A.P, Organic, HACCP ва бошқалар) жорий этишга қодир юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Маълумки, юртимизнинг экспорт салоҳияти жуда юқори, бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳам ўз ўрни бор. Аммо экспорт ҳажми салоҳиятимизга мос эмас. Шу маънода, мазкур институтнинг ташкил этилиши экспорт салоҳиятимизни ошириш, ўз навбатида, соҳа ривожига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Тошкент ва Фарғона вилоятларида маҳсулот етиштирувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, сифат назорати, халқаро тан олинган сертификация тизимларини ўз ичига олган, аккредитациядан ўтган лабораториялар ишга туширилиши ҳам бу борадаги имкониятларимизни оширади.

Қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида халқаро молия институтлари маблаглари ҳисобидан аграр соҳада умумий қиймати 400 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестиция лойиҳалари ишга туширилади. Шунингдек, ҳар бир ҳудудда камида биттадан агрологистика марказлари барпо этилади. Мазкур марказларда халқаро бозорларда тан олинган сифат сертификатларини олиш имконияти яратилади.

Халқаро сифат сертификатларисиз жаҳон бозориде ўз ўрнимизни топиш, экспорт борасида қўзланган мақсадларга эришиш мушкул. Боиси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, хорижда талаб юқори бўлган мева-сабзавотларни узоқ вақт сақлаб туриш қийин. Биз токи ушбу маҳсулотимизни бир неча минг километрга олиб бориб, уларнинг сертификатини олгунимизча товар сифати ўзгариши мумкин.

Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида Самарканд вилоятида Ўзбекистон — Туркия пистачилик илмий маркази ташкил эти-



лади. Туркиянинг серхосил писта навлари коллекцияси асосида миллий писта навлари яратилиб, уларнинг оналик кўчатзорлари ташкил этилади. Нуробод тумани пистачиликка иттихослаштирилди.

Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида космик суратлар ва учувчисиз учиш аппаратларининг материаллари ҳамда дала кузатув маълумотларини таҳлил қилиш орқали 3 миллион гектардан ортиқ суғориладиган ерлар, 400 минг гектардан ортиқ кўп йиллик дарахтзорлар ва 450 минг гектардан ортиқ лалми ерлар тизимли мониторинг қилинади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларининг геоахборот тизимида 6 турдаги асосий, хусусан, пахта, ғалла, шол, картошка, макжаҳўхори ҳамда мойли экинларнинг экилиши, вегетация даврини таҳлил қилиш йўлга қўйилади.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда тармоқни тубдан ривожлантиришга алоҳида эътибор

қаратилиб, бу борада тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, соҳага инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишлари жадаллашиб борапти.

Қарорда белгиланган космик суратлар ва учувчисиз учиш аппаратларининг материаллари ҳамда дала кузатув маълумотларини таҳлил қилиш вазифаси ҳам суғни тежаш, ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилад

Зеро, таҳлил ҳар қандай фаолият бўйича муаммо ва камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, пировардида, қўзланган мақсадларга эришиш имконини беради.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 30 фоизини ташкил этиши, юрдошларимизнинг ярми қишлоқ жойларда истиқомат қилишини инобатга олсак, соҳа ривожини йўлга қўйишга алоҳида эътибор

Қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш мақсадида Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Самарканд ва Хоразм вилоятларида агрохизматлар марказлари ташкил этилади. Уларда 100 дан ортиқ хизматлар кўрсатилади.

Халқаро молия институтлари грант маблаглари ҳисобидан 2023 йил ҳосили учун маҳаллий шароитга мос серхосил, касаллик ва зараркунандалар, сувсизликка чидамли пахтанинг 4 та, бошоқли донининг 6 та нави амалиётга жорий этилади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 30-мақсадида қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш белгилаб қўйилган.

Бугунги ислохотлар ва ўзгаришлар ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Асосийси, бошланган кенг қамровли ишларни, эришилган натижаларни янада юқори суръатда давом эттиришдир. Президентимиз таъкидлаганидек, “Инсон қадрини улуглаш, меҳр ва ёрдамга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш — давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишидир”.

Бунда, энг аввало, ушбу масалаларнинг конституциявий асосларини такомиллаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қолаверса, Тараққиёт стратегиясининг тўртинчи устувор йўналиши “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш”, деб номланиб, бевосита ижтимоий ҳимоя масалаларига қаратилган.

Ижтимоий давлат тушунчаси эса айна шу лойиҳаларда ўз аксини топади. Бу аҳоли фаровонлиги ва фуқаролар тенглигини кафолатлайди. Демак, юқоридаги келтирилган айрим рақамлар, ижтимоий соҳадаги ислохотлар, эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий муҳофаза-сига қаратилган сиёсат юртимизда ижтимоий давлатнинг пойдевори яратилганини кўрсатиб турибдики, Ўзбекистон де-факто ижтимоий давлат. Энди уни де-юре Конституцияда мустақамлаб қўйишга етарли даражада асослар, фактлар, амалий ишлар мавжуд ва бугун бунинг айна вақтидир.

Хўш, ижтимоий давлат бизга нима учун керак, деган савол туғилиши табиий. Мазкур тизимда бошқарувнинг устувор моҳиятида иқтисод ёки сиёсат эмас, балки инсон манфаати, унинг қадри туради. Бюджет тақсимотида камбағалларга ёрдам таъминланади. Бундай давлатнинг асосий хусусияти бизнесни қўллаб-қувватлаш ва кучли иқтисодиётни таъминлаш ҳисобланади. Сабаби, бизнес, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида солиқ тушуми ҳисобига иқтисодиёт ўсади, бюджет маблаглари кўпаяди. Бу тармоқда янги гоълар амалга оширилишига ва маблагнинг ижтимоий соҳага йўналтирилишига ёрдам беради.

Шу билан бирга, бугун “ижтимоий сиёсат”, “ижтимоий ҳимоя”, “ижтимоий кафолат” каби тушунчалар мазмун-моҳияти аввалгидан анча кенгайди. Бош қонунимиздаги ижтимоий ҳуқуқларни кенгайтирган ҳолда, улар қаторида болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахслар, кекса авлод вакиллари, ёшлар, хотин-қизлар, мигрантлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга оид нормалар ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Владимир НОРОВ: ШҲТ янги ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ СИЁСИЙ УСТУВОРЛИКЛАРИ ТИЗИМИДА



Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда ШХТ макони улкан хомашё захиралари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, малакали ишчи кучи ва инсон капитали, технологик салоҳият мавжудлиги нуктаи назаридан ўзини ўзи таъминлайдиган минтақа ҳисобланади.

ШХТга аъзо давлатлар иқтисодийётининг умумий ҳажми қарийб 20 триллион АҚШ доллари-ни ташкил этади, бу ташкилот тузилган пайтда-гидан 13 баробарга кўп. Ташкилотнинг макони дунёдаги энг кенг истеъмол бозорини англатади. Бугунги кунда ШХТ аъзоларининг умумий ялпи ички маҳсулоти умумжаҳон кўрсаткичларининг қарийб ¼ қисмига етди. 2030 йилга бориб бу рақам жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 35-40 фоизигача ортиши мумкин.

ШХТ ўзининг амалий татбиғини қутаётган ул-кан транспорт ва транзит салоҳиятига эга. Гло-бал таъминот занжирларини диверсификация қилиш шaroитида Евроосиёда Шарқ-Ғарб ва Шимол-Жануб йўналишлари бўйича янги халқо-ро темир йўл ва автомобиль йўлакларини ярати-ш моҳиятдан стратегик аҳамият касб этмоқда.

Шуни унутмаслик жоизки, ШХТ цивилиза-цияларро мулоқот ва маданий-гуманитар ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш учун истикболли платформа ҳисобланади. Ушбу йўналишнинг долзарблиги, айниқса, дунёда ишонсизлик ва антагонистик кайфиятлар кучайиб бораётгани шaroитида айниқса ортаёрир.

Хар бири бой тарих ва ноёб маданий мерос-га эга бўлган мамлакатларнинг бир ташкилот фаолиятида иштирок этиши Евроосиёда ўзаро тушуналиш ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлашга қўмаклашмоқда.

— Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё минтақасини Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши этиб белгиллаган. Марказий Осиё минтақачилиғи-ни мустаҳкамлашда ШХТнинг ролини қандай баҳолайсиз?

— ШХТнинг пайдо бўлиши, биринчи навбат-да, XX аср охирида билорлар тизим барҳам то-панидан сўнг Марказий Осиёда янги вазиятнинг вужудга келиши, дунё мураккаб муаммолари ва олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари билан янги юз йилликка кириб келиши билан боғлиқ эди. Шундай мураккаб даврда Марказий Осиё-даги ёш мустақил давлатларнинг кўп қиррали янги таҳдид ва муаммоларга қарши туришида институтон миллийлашган минтақавий ҳамкор-ликка эҳтиёжи объектив ҳақиқат эди.

Шу маънода, ШХТнинг пайдо бўлиши Марка-зий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлиқни таъ-минлаш борасидаги сазй-ҳаракатларнинг бево-сита натижаси бўлди. Шунинг учун ШХТ ташкил этилиши ва фаолиятидаги энг муҳим “қўшилган қиймат”, биринчи навбатда, унинг Марказий Осиёда барқарорлиқни мустаҳкамлаш ва мин-тақавий ҳамкорлиқни ривожлантиришга қўшган ҳиссасидир, деб ҳисоблаш мумкин.

Бу тан олинган ва вақт синовидан ўтган ҳақи-қатдир.

Бугунги кунда ШХТнинг минтақада тинчлик ва барқарорлиқни сақлашдаги салмоқли ҳис-саси кундек равшан бўлиб турибди. Унинг би-ринчи гагда терроризм, экстремизм ва сепар-атизм таҳдидларига қарши кураш соҳасида эришган муваффақиятлари аён-дир. Айнан ШХТ доирасида дунёда биринчи марта “терроризм” тушунчасини аниқлаб берган кўп томонлама ҳужжат — ШХТнинг терроризм, экстремизм ва сепаратизм билан курашиш тўғрисидаги Конвен-цияси 2001 йил 15 июнда ишлаб чиқилган эди.

Қароргоҳи Тошкентда жойлашган ШХТ Минта-қавий аксилтеррор тизими бу йўналишда изчил иш олиб бораётир. Унинг мувофиқлаштирувида “уч ёвуз куч”нинг сабаблари, манбалари ва қўри-нишларига барҳам бериш бўйича биргаликдаги самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мунтазам равишда ШХТ аксилтеррор машқ-лари, жумладан, террористик, экстремистик ва сепаратистик мақсадларда Интернет тармоғи-дан фойдаланишни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда наркотикларга қарши “Ургимчак тури” халқаро операцияси ўтказилмоқда.

Хавфсизлик кенгашлари котиблари, мудо-фаа, ички ишлар вазирлари ва аъзо давлатлар-нинг гиёҳвандликка қарши кураш идоралари раҳбарлари йўналишида хавфсизлиқнинг кенг қамровли мақсадларига алоқадор кўп қиррали мунтазам мулоқот қўллаб-қувватланмоқда.

Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик йўлга қў-йилган. Бу соҳада ишчи гуруҳ фаолият кўрсат-моқда, Ўзбекистон томонининг фаол иштирокида Халқаро ахборот хавфсизлиги бўйича ҳамкорлик дастури тайёрланган ва қабул қилинган.

Шунга қарамасдан, Шанхай ҳамкорлик ташқи-лотининг минтақада барқарорлиқни таъминлаш-га қўшган ҳиссаси бу билан чекланиб қолмайди. Ташкилотнинг амалий фаолиятида хавфсиз-лик ва иқтисодий ривожланиш таъминланиши масалаларига ўзаро боғлиқликнинг асосий тар-кибий қисмлари сифатида қаралади. Минтақа-да барқарорлик ва изчил тараққиёт сақлаб қо-линишида ШХТнинг муҳим роли ҳам айнан ана шундадир.

Минтақада ва унинг атрофида рўй бераётган ўзгаришларга қарамасдан, 20 йилдан ортиқ вақт давомида Марказий Осиё ШХТнинг географик ядроси бўлиб қолмоқда. Минтақада барқарорлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш императ-ив аҳамиятга молик бўлиб қолиши, шу сабабли ушбу вазифалар бундан кейин ҳам ташкилот-нинг диққат марказида туриши кераклиги юзаси-дан унга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро тўлиқ тушуниш мавжуд.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2021 йили Душанбеда бўлиб ўтган юбилей саммити дек-ларациясида барча аъзо давлатлар етакчилари сўнгги пайтларда Марказий Осиё давлатлари томонидан минтақада барқарор ривожланиш ҳамда ишонч ва дўстлик маконини шакллан-тириш бўйича амалга оширилаётган сазй-ҳа-ракатларни бир овоздан маъқуллаб, минтақа мамлакатлари барқарорлиги ва ижтимоий-иқти-содий ривожланиши янада мустаҳкамланишида ШХТнинг фаол ролини кенгайтириш гоёсини қўл-лаб-қувватлади. Улар Ўзбекистон Президенти ташаббускорлигида йўлга қўйилган Марказий Осиё минтақаси давлат раҳбарларининг мунта-зам маслаҳат учрашувлари ўтказилишини ҳам олиқшлайди.

2017 йилдан буён кузатилаётган янги Марка-зий Осиё жараёнининг ШХТ томонидан қўллаб-қувватланиши, шубҳасиз, минтақанинг ўзи учун ҳам, ташкилот ҳудудининг барқарорлиқ, ўзаро манфаатли тараққиёт ва самарали ҳамкорлик маконига айланиши учун ҳам жуда муҳим аҳа-миятга эга. Шу нуктаи назардан қараганда, хал-қаро сиёсий сўзлашувда нисбатан яқинда пайдо бўлган “Марказий Осиё руҳи” атамаси ШХТнинг доктринал асосини, яъни “Шанхай руҳи”ни мус-таҳкамлайди ва бойитади, деб ҳисоблаш учун барча асослар мавжуд.

Умуман олганда, минтақадаги ва дунёдаги тез ўзгарувчан вазият билан бирга ташкилотга аъзо-лиқни кенгайтириш ШХТ кун тартибига муайян тузатишлар киритиши ўз-ўзидан аён.

Бу объектив жараён, аммо ташкилотнинг мин-тақамиздаги ролини асло қамайтирмайди. Ҳақи-қатда эса, ШХТнинг “масъулият зонаси”га Жану-бий Осиёдаги энг йирик давлатлар — Ҳиндистон ва Покистоннинг қўшилиши, шунингдек, Марка-зий Осиё мамлакатлари ШХТ орқали Яқин Шарқ-қа кенгайишининг янги траекторияси мўлжал-ланиши фониди янги истикболлар очилмоқда. У улкан Евроосиё маконида кўп тизимли ўзаро алоқаларни ривожлантиришда ўзаро манфаат-ли ташаббусларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун кучли кўп томонлама платформага — транспорт, инфратузилмалар, энергетикадан то “ашил” иқтисодийёт ва рақамли трансформациягача бўлган қирраларни қамраб олган майдонга айланмоқда.

— Шу нуктаи назардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ва ШХТ ўртасидаги ўзаро ҳамкор-лиқнинг устувор йўналишлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ўзбекистон-нинг кўп томонлама дипломатияси тизимида алоҳида ўрин тутати. Бу иккита муҳим жиҳат билан боғлиқ.

Биринчидан, мамлакатимиз 1990 йиллар ўр-таларида Хитой ва бир қатор собиқ шўро дав-латлари (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон) ўртасидаги чегара масалаларини хал қилиш учун яратилган “Шанхай бешлиги”да иштирок этмаган бўлса-да, минтақавий аҳамия-тига қўра, юқорида айтиб ўтилган мулоқот плат-формасини кенг қўламли ташкилотга айланти-ришда муҳим роль ўйнади.

Иккинчидан, Ўзбекистон ШХТнинг олпита таъсисчи давлатларидан бири сифатида таш-килотнинг асосий тамойиллари ва таъсис ҳуж-жатларини ишлаб чиқиш, шунингдек, унинг институционал асосларини яратиш ва ривож-лантиришда фаол иштирок этди.

Ушбу ташкилотга аъзо давлатлар мамла-катимизнинг энг яқин қўшнилари ва стратегик шерикларидир. ШХТ доирасида кўп қиррали ҳамкорлик ҳар томонлама минтақавий ва минта-қалараро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга ҳамда ушбу давлатлар билан ўзаро ҳамкорлиқни ри-вожлантиришга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари тизимида ШХТ очик, прагматик ва кенг қўламли манфаатли ҳамкорлик йўлини амалга ошириш нуктаи назаридан кўп томонла-ма платформа сифатида ҳар қачонгидан ҳам му-ҳим аҳамиятга эга.

Бинобарин, мамлакатимизнинг ШХТга нис-батан замонавий стратегияси ташаббускорлик, конструктивлик, прагматизм ва ҳамкорликка очиклик каби асосий тамойилларга асосланади.

Ўзбекистон, аввало, барча иштирокчи мав-лакатларнинг ҳаётий манфаатларига жавоб берадиган истикболли йўналишларда амалий ҳамкорлиқни ошириш орқали унинг эволюцияси янги шaroитида ташкилотнинг салоҳиятини тў-лиқ очиб беришдан манфаатдор.

Давлатимиз раҳбари 2017-2021 йилларда ўтказилган ШХТ саммитларида 50 га яқин муҳим ва долзарб ташаббусни илгари сурди. Энг муҳи-ми, ушбу тақлифлар ШХТнинг “Йўл хариталари”, меъёрий-ҳуқуқий, дастурий ва концептуал ҳуж-жатлари доирасида, шунингдек, кўп томонлама ҳамкорлиқнинг янги механизмлари шаклида изчил амалга оширилмоқда.



Ўзбекистон Президенти томонидан ташкилот-нинг 2020 йилги саммитида билдирилган “ШХТ ҳар биримиз кучли бўлган тақдирдагина кучли бўлади” гоёси республиканинг ушбу тузилмага хос “Шанхай руҳи”га мувофиқ конструктив ёнда-шувининг моҳиятини тўлиқ очиб беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти ўтган йилги Душанбе саммитида сўзлаган нут-қида ШХТга раислиқнинг устувор йўналишлар-ини тақдим этгани ҳолда, ташаббускорлик ва очиклик йўналишини яққол намоён этди. Ушбу ташаббуслар мамлакатимиз ички тараққиёт-нинг асосий вазифалари ва халқаро ҳамкорлик соҳасидаги манфаатларини акс эттириши билан бирга, ШХТни ривожлантиришнинг янги босқи-чида мақсад ва вазифаларни муваффақият би-лан бирлаштиради.

Минтақалараро савдо, саноат кооперацияси, инновация, “ашил” ва рақамли иқтисодийётни ривожлантириш каби муҳим йўналишларда кўп томонлама ҳамкорлиқни фойдалантириш орқали ШХТ салоҳиятини янада мустаҳкамлаш шулар жумласидан.

Шунингдек, “Шанхай руҳи”ни халқ диплома-тияси, туризм, дўстлик ва яхши қўшничилик-ни мустаҳкамлаш, янги маданий-гуманитар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ШХТГА РАИСЛИГИ РЕЖАСИДА 80 ДАН ОРТИҚ ЙИРИК ТАДБИР НАЗАРДА ТУТИЛГАН БЎЛИБ, БУГУНГИ КУНГА ҚАДАР УЛАРНИНГ ЯРМИДАН КЎПИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ. УШБУ ТАДБИРЛАР НАФАҚАТ ШХТДА ЎРНАТИЛГАН ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИ, БАЛКИ МИНТАҚАЛАРАРО САВДО, САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ, ИННОВАЦИЯЛАР, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ, РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА БОШҚА СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КАБИ ЯНГИ СОҲАЛАРНИ ҲАМ ҚАМРАБ ОЛАДИ.

— Ўрни келганда Ўзбекистоннинг ШХТга раислигидаги вазифа ва ташаббусларни батафсил тушунтириб берсангиз.

— Албатта, мен юқорида айтган ҳамма гаплар декларатив баёнотлар эмас, балки аниқ ҳаракат-лар билан тавсифланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги режасида 80 дан ортиқ йирик тадбир назарда тутилган бўлиб, бугунги кунга қадар уларнинг ярмидан кўпи амалга оширил-ди. Ушбу тадбирлар нафақат ШХТда ўрнатилган ҳамкорлик йўналишларини, балки минтақаларо савдо, саноат кооперацияси, инновациялар, камбағаллиқни қисқартириш, рақамли транс-формация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантириш каби янги соҳаларни ҳам қам-раб олади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон томони ШХТга раислиги доирасида ҳамкорлиқнинг бир қатор янги йўналишларини ишга солиб, унинг кун тартибини замонавий воқелиқни ҳисобга олган ҳолда бойитишга ҳисса қўшди.

ШХТ тадбирларини ташкил этишда янгича ёндашув ва форматлар жорий қилинди. Улар нафақат Тошкент шаҳрида, балки вилоятларда ҳам ўтказилмоқда. Бу эса ШХТдаги ҳамкорлари-мизга минтақаларимизда мавжуд бўлган ўзаро ҳамкорлик салоҳияти билан яқиндан танишиш имконини бермоқда. Шу тариқа Нукус, Бухоро ва Фарғона шаҳарларида ШХТ Миллий коор-динаторлари кенгашининг мажлислари ташкил этилди. Хивада ШХТга аъзо давлатлар транс-порт вазирлари йиғилиши бўлиб ўтди (2022 йил 12 май) ва Бухорода камбағаллиқни қисқарти-риш бўйича халқаро конференция ўтказилди (2022 йил 26-27 май). Жорий йил август ойда Самарқандда ҳам бир қатор тадбирлар ўткази-лиши режалаштирилган.

Бир вақтнинг ўзида вазирларнинг учрашув ва йиғилишлари, муайян мавзунли қамраб олган форум ва конференциялар ҳам ўтказилмоқда. Ўзбекистон раислигида ШХТ Халқ дипломатияси форуми (2022 йил 11-12 май), Сайёҳлик форуми (2022 йил 20 май), Аънавий табобат форуми (2022 йил 7 июнь), ташкилотга аъзо мамлакат-ларнинг ёш истеъодлар ўртасида энг яхши стартап лойиҳалари танлови каби йирик тадбир-ларни ўтказиш ташаббуслари илгари сурилди ва аллақачон амалга оширилди.

Ушбу платформаларнинг барчаси долзарб кун тартиби билан тўлдирилган. Улар бўйича муҳим шартномалар тузилди, бундан кейинги қўшма режалар келишиб олинди — буларнинг барчаси ШХТга аъзо давлатлар иқтисодийётининг панде-миядан кейинги тикланиши шaroитида айниқса муҳим. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон то-мони жорий этган формат амалий натижаларга эришиш ва мамлакатларимиз ишбилармон доир-алари вакиллари учун янги имкониятларни тақ-дим этади.

Албатта, Ўзбекистон раислигининг асосий йўналиши ШХТ бугунги кун тартибининг мазмун-моҳиятига қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон раис-лиги даврида илгари сурган ташаббусларини амалга ошириш мақсадида 14 та янги концеп-туал ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Улар ШХТ доирасидаги ҳамкорлик соҳаларини маз-мунан бойитиш ва институционал кенгайтириш-га қаратилган.

Транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича ШХТ стратегияси, Минтақалараро савдо-ни ривожлантириш режаси, Инфратузилмани ривожлантириш дастури, “ШХТ Эзгу ният элчи-си” институтини ташкил этиш каби ШХТ амалиё-ти учун янги ҳужжатлар лойиҳаларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Президенти илгари сурган барча ташаббуслар мантқан ўзаро боғлиқ ва бир-би-рини тўлдиради. Масалан, ички савдонинг ривож-лантириш орқали савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентлар яқинлашишига ва боғжона тартиб-таомилларини рақамлашти-ришга эришиш мумкин. Ўзбекистон раислиги даврида шу ва бошқа масалалар нафақат ва-зирлар даражасидаги учрашув ва йиғилишлар

қўпайиши ва терроризм кучайишига олиб ке-лиши мумкин.

ШХТнинг бирон-бир давлати Евроосиё марка-зида беқарорлик ўчоғининг янада ривожланиши-дан ва Афғонистон ҳудудидан қўшни давлатлар хавфсизлигига келиб чиқадиган таҳдиддан ман-фаатдор эмас. Бугунги воқелик ташкилотимиз-дан янада аниқ ҳаракатларни амалга оширишни ва Афғонистонни минтақавий ташаббусларга, шу жумладан, инфратузилма лойиҳаларига жалб қилишни талаб қилади.

Шу боис, ШХТ доирасида Афғонистоннинг урушдан кейинги ривожланиш стратегиясига доир консолидациялашган ёндашувларни иш-лаб чиқиш, табиийки, мамлакатимизнинг таш-килотга раислигидаги асосий устувор йўналиш-лардан биридир.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Президенти белгилаб берган ШХТга раислиқнинг асосий ус-тувор йўналишлари барча томонлар манфаат-ларига тўла жавоб беради. Энг муҳими, ушбу йўналишлар ШХТ маконида хавфсизлик, барқар-ор ривожланиш, дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган.

— Маълумки, жорий йил Ўзбекистон ШХТ раиси сифатида ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари саммитига мезбонлик қилади. Билишимизча, ушбу учрашув шу йилнинг сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтади. Саммитга тайёргарлик ишлари ва бўлажак тадбирларнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлар-нингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Тўғри, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкор-лик ташкилотидаги раислиги асосий воқеа-си — Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган Давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши тобора яқинлашмоқда. Унда ташкилот доира-сидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган мустаҳ-кам ҳуқуқий ва концептуал ҳужжатлар тўпла-ми имзоланиши шубҳасиз.

Албатта, саммитнинг Самарқандда ўтказили-шида ҳам чуқур маъно бор. Ушбу кент қадимдан тарихий учрашувлар ва цивилизациялашган мулоқотлар маскани, маданий-гуманитар ўзаро боғлиқлик ва халқаро савдонинг ривожлантириш, яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш кўприғи бў-либ келган.

Янги Ўзбекистон фаол дипломатиясида Самарқанд мамлакатимизнинг энг муҳим халқаро ташаббусларини илгари суриш учун ноёб платформа бўлиб хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда шаҳарда “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкор-лик” мавзусидаги халқаро конференция (2017 йил), Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми (2018 йил), Инсон ҳуқуқлари бўйича Самар-қанд форуми (2020 йил) ва бошқа қатор йирик форумлар муваффақиятли ўтказилди.

БМТ Бош котибининг махсус вакили ва БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипло-матия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман таъкидлаганидек, ушбу плат-формалардан олинган туртки ШХТ маконининг жүрроғий ўқи бўлган Марказий Осиёда ҳамкор-лиқнинг янги форматлари шаклланишига хиз-мат қилгани ҳолда, яхши қўшничилик, дўстлик ва очиклик муҳитида минтақавий ҳамда глобал ривожланишнинг долзарб масалалари муҳо-камасини кўзда тутадиган “Самарқанд руҳи”да ўзининг яққол ифодасини топган.

Самарқанднинг ноёб мероси ва унинг янги бунёдкорлик қудрати ШХТнинг ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, маданиятлар хилма-хилли-гига ҳурмат билан ёндашиш ва муштарак тарақ-қиёт тамойилларига тўла мос келади.

Бугун, саммит арасида Буюк ипак йўли-нинг марвариди бўлган Самарқанд шаҳри кенг қўламли бунёдкорлик марказига айланди ва Ев-роосиё маконидида йилнинг энг йирик сиёсий ва дипломатик форумини ўтказишга тайёр.

Самарқанд саммитида давлат раҳбарлари замонавий халқаро муносабатларнинг чуқур ўз-гартириш нуктаи назаридан ШХТ олдида турган янги таҳдидлар ва вазифаларни кўриб чиқади, ташкилотни янада ривожлантириш учун тарихий аҳамиятга эга бўлган қатор муҳим қарорларни қабул қилади.

Саммит кун тартибидидаги асосий масалалар-дан бири ШХТни янада кенгайтириш ҳисобла-нади. ШХТга аъзо давлат макомини олиш учун Эрон Ислом Республикасининг мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланишига ҳам кутилмоқда.

Шу аснода Ўзбекистон раислигида бўлажак саммит “Шанхай сакизлиги” раҳбарларининг мин-тақавий ва глобал аҳамиятга молик долзарб маса-лаларни муҳокама қилиши учун самарали плат-форма яратиб бериши алоҳида аҳамиятга эга.

Буларнинг барчаси Самарқанд саммити ШХТнинг учинчи ўн йилликка киришини муно-сиб белгиланган ҳолда, унинг ривожланишида янги босқич очишига ишонч уйғотади.

— Владимир Имомович, бизга вақт ажратганингиз ва мазмунли суҳбатингиз учун миннатдорлик билдирамиз.

— Раҳмат.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

“

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ЯНГИ ТУЯБЎЎИЗ КИЧИК ГЭСИ ДАВЛАТИМИЗ РАЎБАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН БУНДАН УЧ ЙИЛ ОЛДИН ФОЙДАЛанишГА ТОПШИРИЛГАН БЎЛСА, ШУНДАН Кейин Катта Фаргона Каналида Кичик ГЭСлар Каскади ИшГА Тушди. ҲАР БИРИ 6 МВт. ҚУВВАТГА ЭГА ИККИТА КАСКАД ЙИЛИГА 72,89 МИЛЛИОН кВт. СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРЯПТИ.

КИЧИК ДАРЁЛАРНИНГ УЛКАН ҚУВВАТИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2021 ЙИЛ 10 ДЕКАБРДАГИ “ГИДРОЭНЕРГЕТИКАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ИШТИРОКИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН 200 ТА МИКРОГЭС ЛОЙИҲАСИ РЎЙХАТИ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ. УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАШАББУСИНИ БИЛДИРГАН ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ, СУҲБАТЛАР ЎТКАЗИЛДИ. ШУ ТАРИҚА УМУМИЙ ҚУВВАТИ 56 МЕГАВАТТЛИ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ЙИЛИГА 180 МИНГ КИЛОВАТТ СОАТ ЭЛЕКТР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНМОҚДА.

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз раислигида қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш бўйича устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудларда микро ва кичик ГЭСлар қуриш учун майдонлар белгиланиб, жами 56 мегаваттли 200 та лойиҳа ишлаб чиқилгани таъкидланди. Чунки кичик гидроиншоотлар муқобил энергияни ривожлантиришнинг энг самарали йўналишларидан биридир. Айниқса, олис масофадаги ва етиб бориши қийин, узатиш линияларини етказиш имконияти чекланган жойларда бундай электр станциялари жуда асқатади. Кичик дарёлар, каналлар, сув омборларидан тушадиган сув ўзанлари бунинг учун қулай манба саналади.

Халқро стандартларга қўра, микроГЭС, асосан, қуввати 0,1 кВт.дан 100 кВт.гача гидроэнергетик қурилма бўлиб, у турбина, тасмали ва редукторли узатмалар ҳамда асинхрон генератордан иборат. Гидротурбиналар сувнинг тез оқими туфайли қувват ҳосил қилади. Сув қанча тезроқ оқса, у ҳам шунча кўпроқ электр қуввати ишлаб чиқаради, қурилиш жараёнида ва фойдаланиш даврида табиий ландшафт ва атроф-муҳитни бузмайди. Сув сифатига салбий таъсир кўрсатмайди, яъни у асл табиий ҳусусиятини йўқотмайди. Шу боис, ҳар жихатдан фойдали ва нисбатан арзон электр энергияси ҳосил қилишда қўл келади. Бу эса юртимизнинг турли ҳудудларида янги ГЭСлар қуриш, мавжудларини модернизация қилишни такзоо этади.

Тошкент вилоятидаги янги Туябўғиз кичик ГЭСи давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан уч йил олдин фойдаланишга топширилган бўлса, шундан кейин Катта Фаргона каналида кичик ГЭСлар каскади ишга тушди. Ҳар бири 6 МВт. қувватга эга иккита каскад йилига 72,89 миллион кВт. соат электр энергияси етказиб берапти.

Кичик ГЭСни қуриш учун “Гидролойиҳа” АЖ томонидан ўзига хос муҳандислик ечими танланган. Каналдан айланма сув йўли тортилиб, биринчи турбина 1700 метр белгига жойлаштирилди ва бу ерда сунъий шаршара ҳосил қилинди. 500 метрдан кейин яна битта шундай иншоот қурилди. Сунгра сув яна асосий оқимга қайтади. Каналнинг икки қирғоғига 3 минг тупдан зиёд мева, 1000 тупдан ортиқ манзарали дарахт экилиб, “ашил энергия” иншоотларини бойитувчи ландшафтга айланган. Энг асосийси, янги гидроиншоот фойдаланишга топширилгандан буён Учқўрғон туманидаги 50 мингга яқин хонадонни узлуқсиз электр энергияси билан таъминлаш имконияти юзага келди, қанчадан-қанча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари улар қувватидан баҳра оляпти.

Ҳозирги кунда Жанубий Фаргона канали ўзанида “Андижон ГЭСи”, “Шахрихон ГЭСлар каскади” унитар корхоналари таркибига кирувчи 4 та кичик станция фаолият кўрсатади. Андижон ГЭС-1 модернизация қилиниб, унинг ишлаб чиқариш қуввати 17,1 миллион кВт. соатга етказилди.

Халқимизда олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деган ҳикмат бор. Гидромуҳандислар эса, аксинча, унинг ҳар жихатдан фойдаси катта, дейишдади ва улар амалга ошираётган лойиҳалар бунинг тасдиқлаб келяпти. Мисол учун, Жиззах вилоятида Зомин микроГЭСи, Самарқанд вилоятида 5 та ихчам қувватли гидроиншоотлар каскади ишга тушгандан буён минглаб аҳоли хонадонлари узлуқсиз электр энергияси билан таъминлана бошлади.

Яна бир лойиҳа — Поп тумани Охангарон дарёсидagi Қамчиқ кичик ГЭСи. 2017 йилда қурилиши бошланган ушбу иншоотнинг ўртача қуввати 26,5 МВт бўлиб, йилига қарий 80 миллион кВт. электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу станция техник-муҳандислик муракаб-лиги жиҳатидан Марказий Осиёда ягона



ҳисобланади. Тоғ бағридан ўтган туннелнинг узунлиги 3,7 километр, кичик сув омбори ва ундан оқиб тушадиган обихаётни электрга айлантирадиган иншоот денгиз сатҳидан анча юқорида бунёд этилди. Туннелдан ҳар сонияда оқиб келадиган 33 куб метр сув тўртта агрегатни

катта босим билан ҳаракатга келтиради ва ҳосил бўлган электр энергияси аҳоли хонадонлари ва ижтимоий-иқтисодий объектлар сари йўналтирилади.

— Сўнгги 5 йилда амалга оширилган лойиҳалар ҳисобида электр энергиясини ишлаб чиқариш қуввати 2017 йилда-

ги 1731 МВт.дан 2053 МВт.га етказилди, — дейди Абдуғани Сангинов. — Бу вақт мобайнида 13 та янги замонавий гидроэлектр станция қурилган бўлса, 9 таси модернизация қилинди. Давлатимиз раҳбарининг гидроэнергетика соҳасидаги лойиҳалар билан танишиш чоғида таъкидлаганидек, ҳали олдимизда турган ишлар кўлами катта. Негаки, юртимизда гидроэнергетика соҳасидаги салоҳиятнинг қарий 50 фоизи ҳам ўлаштирилмаган.

Жамият томонидан 2022-2026 йилларда умумий ҳисобда қўшимча 740 мегаватт қувватли 20 та йирик лойиҳани амалга ошириш устида иш кетаяпти. Хусусан, 2022 йилда 258 мегаваттли 8 та, шундан 4 та янги қурилиш ва шунча модернизация лойиҳалари, 2023-2024 йилларда 76 мегаваттли 8 та, ундан кейин яна 4 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган.

Президентимизнинг 2021 йил 10 декабрдаги “Гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида хусусий сектор иштирокида амалга оширилиши режалаштирилган 200 та микроГЭС лойиҳаси рўйхати шакллантирилди. Уларни амалга ошириш

ташаббусини билдирган тадбиркорлар билан учрашув, суҳбатлар ўтказилди. Шу тариқа умумий қуввати 56 мегаваттли лойиҳалар асосида йилига 180 минг киловатт соат электр ишлаб чиқарилиши мўлжалланмоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, 500 киловаттгача бўлган ГЭСлар томонидан тақдим этиладиган электр энергиясининг бошланғич харид нархи учун жозибадор тарифлар белгиланган. 1 мегаваттгача қуёш ва шамол, 5 мегаваттгача бўлган кичик ГЭСларнинг ортиқча электр энергияси камида 10 йил давомида давлат томонидан кафолатли сотиб олинади.

Йил якунига қадар Андижон вилоятида 15 та, Наманганда 10 та, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида 6 тадан, Самарқанд, Сирдарёда 2 тадан, Бухоро, Жиззах, Фарғонада 1 тадан лойиҳани амалга оширишга киришилади.

Ўтган қисқа давр мобайнида жамият фаолияти халқро даражада ҳам эътироф этиб келиняпти. 2020 йилда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ҳақида етакчилардан бири ҳисобланган “Fitch Ratings” халқро рейтинг агентлигининг “В+” (барқарор) рейтингига сазовор бўлди. Ўтган йили мазкур рейтинг кўрсаткичи “ВВ-” (барқарор) даражасига кўтарилди. Харидлар жараёни самарадорлигини ошириш мақсадида дунёдаги молиявий “катта тўртлик”нинг бири ҳисобланган “Депойт энд Туш” компанияси билан ҳамкорлик ўрнатилиб, зарур маслаҳат ва тавсиялар олинди.

Жамият янги ГЭСлар қуриш, мавжудларини модернизация қилиш дастури доирасида Хитой, Россия, Франция, Италия, Германия, Жанубий Корея, Австрия, Туркия, Тожикистон ва Қирғизистон каби давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Бундан беш йил олдин “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ташкил топганда унинг тасарруфидagi ГЭСлар сони 36 тани ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу кўрсаткич янги қурилган йирик, ўрта ҳамда микроқувватлар ҳисобида 50 тага етди. Тез орада улар қаторига 20 та йирик ва 200 дан ортиқ мини ГЭС қўшилиди.

Энергетика вазири ўринбосари Шерзод Хужаевнинг қайд этишича, 2026 йилга бориб Ўзбекистонда қуёш фотозлектр станциялари қуввати 4000 МВт.га ва шамол электр станциялариники 4000 МВт.га етказилади ҳамда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 25 фоизи қайта тикланувчи энергия манбаларига тўғри келади. Бунинг натижасида йилига қарий 3 миллиард метр куб табиий газ тежаллишига эришилади. Ушбу ҳажмида тежалган газ билан 1 миллион хонадонни 1 йил давомида табиий газ билан таъминлаш мумкин бўлади.

ИСЛОҲОТЛАР ЭПКИНИДАН БАҲРАМАНД БЎЛАЁТГАН ОЛИС МАҲАЛЛА

БУНЁДКОРЛИК



Бошланиши 1-бетда

Президентимиз раислигида шу йил 19 апрель куни “маҳаллабай” ишлаш тизими натижадорлигини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам маҳаллаларни иқтисодий ривожлантириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш чора-тадбирлари муҳокама қилиниб, муҳим вазифалар белгиланганди. Ана шу вазифалар ижроси доирасида Бекобод туманидаги олис ҳудудлардан бири — “Ёшлик-2” маҳалласида бажарилган кент кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида маҳалла кўйфаси тубдан ўзгариб, гузал ва обод масканга айланди. “Ёшлик-2” маҳалласида жами 599 хонадон бўлиб, 3280 киши яшайди. Қиш-

лоқ аҳли узоқ йиллардан буён ичимлик сув муаммосидан азият чекиб келарди. Ўзгаришлар асосида аҳолининг ана шу муаммоси ҳал этилди.

— Юртимизнинг олис қишлоқлари кўркам кўйфа касб этаётганини кўрганимда, қачон бизнинг маҳалламиз ҳам ана шундай обод бўларкан, деб орзу қилардим, — дейди меҳнат фахрийси Абдусалом ота Абдунабиев. — Чунки олис ҳудуд бўлгани учун маҳалламиз узоқ йиллардан буён эътибордан четда қолиб келаётганди. Масалан, сув йўқлигидан аҳоли қийналарди. Қиш ойларида, ёгингарчилик мавсумида асфальт қилинмаган йўллардан оёқларимиз лойга ботиб, манзилимизга зўрға етиб олардик. Айниқса, бундай шароитда бо-

лажонларимиз мактабга бориб-келишга қийналарди. Узоқ вақт ана шундай муаммолар ичида яшадик. Яратганга беҳисоб шукр, у кунлар ҳам ортда қолди. Кўчаларимиз таъмирланди. Ҳар бир хонадон ҳолидан хабар олиниб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ишсизлар бандлиги таъминланяпти.

“Ёшлик-2” маҳалласида ҳашар ташкил қилиниб, жами 7,6 километр тупроқ кўчага шағал ётқизилди, 2800 квадрат метр девор оқланиб, 32 тонна маиший чиқинди олиб чиқилди. 7 километр ички ариқ тозаланди, 1900 дан ортиқ дарахт оқланди, 2520 дона арча кўчати экилди, 15 дона тунги ёритиш чироғи ўрнатилди.

— Вилоят бюджети ҳисобидан 1 миллиард сўм йўналтирилиб, маҳалламизда 150 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди “Ёшлик-2” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нарзулло Бобоев. — Ҳудудимиздаги 500 ўринли 35-умумий ўрта таълим мактаби “OpenBudget” орқали 450 миллион сўм ҳисобидан қайта таъмирланди. Шунингдек, 5 минг китоб фондига эга замонавий кутубхона ташкил қилинди. Инфратузилма яхшиланиб, маҳалла гузари, гузалчилик салони, тегирмон, гўшт дўкони, автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш устaxonаси, ветеринария дўкони, озиқ-овқат дўконлари, болалар ўйингоҳи, work-out майдончаси, стадион, саломатлик йўлғи барпо этилди.

Ҳудудлардаги муаммоларни “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ўрганиш тизими йўлга қўйилиб, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” юритила бошлангани ўз самарасини бермоқда. Бу тизим орқали ҳар бир хонадонга кириб бориляпти, фуқароларнинг муаммоси ўрганиляпти. Тадбиркорлик, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби йўналишларда ўз фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган фуқароларга имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратилмоқда. Бу орқали аҳоли бандлиги таъминланиб, оилаларнинг турмуш фаровонлиги ошмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳўжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори талаблари асосида деҳқон ҳўжалиги сифатида фойдаланиш учун



чиқарилаётган ер майдонларидан “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган ёшлардан 68 нафари, “Аёллар дафтари”дагиларнинг 4 нафарига 0,20 гектардан ер ажратилди.

— 20 сотих ер берилиб, деҳқончилик билан шуғулланишнинг учун имконият яратилди, — дейди Нурмухаммад Эшонқулов. — Бу ерга саби экмoқчиман. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик ва деҳқончилик билан шуғулланиши учун имкониятлар, имтиёзлар яратиб берилаётгани рўзгоримизга даромад олиб қиради.

Мазкур маҳаллада истиқомат қиладиган 12 оиллага 400 миллион сўм кредит ҳисобига қўй ва эчкилар тарқатилди. Яна шунча оиллага 300 миллион сўм кредит эвазига ихчам иссиқхоналар қуриб берилди. Маҳалладаги

4 оиллага енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун базавий ҳисоблаш микдорининг 30 бараваригача субсидия ажратилди.

Яна бир гап. “Ҳар бир оила тадбиркор” давлат дастури асосида маҳаллада яшовчи ишсиз фуқаролардан 5 нафарига қўйчилик билан шуғулланиши учун 30-32 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилиб, уларнинг ўз фаолиятини бошлашига кўмаклашилди.

“Ёшлик-2” маҳалласидаги бунёдкорликлар мисолида айтиш мумкинки, ҳар бир инсон ислохотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида қўриб, ҳис қилиб яшамоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

КЎНГИЛЛАРДАГИ УМИД

ШИФО ТОПАЁТГАН БОЛАЛАР БИЛАН БИРГА УЛҒАЙЯПТИ



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли саломатлигига қаратилаётган юксак эътибор тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг барча ҳудудга етиб бораётгани, тиббий хизматнинг халққа яқинлаштирилгани мисолида ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари иштирокида шу йилнинг 18 март куни соғлиқни сақлаш ходимлари билан “Тиббиётдаги ислохотлар инсон қадрини учун” шиори остида ташкил этилган учрашувда соҳадаги ютуқ ва камчиликлар чуқур таҳлил этилди. Қўллаб-қамқоғув ва ташаббуслар илгари сурилди. Уларнинг рўйи узок куттирмади, бугун ҳаётга татбиқ этилиб, ижросини топиб бормоқда.

Президентимиз мулоқот чоғида “Республикаимизда спинал мушак атрофияси диагнози қўйилган бемор болаларга зарур дори воситаларини бепул етказиб бериш тизими жорий этилади. Бунга ҳар йили 110 миллиард сўм ажратилади”, деди бу борадаги муаммоларга эътибор қаратиб. Орадан кўп ўтмай, шу йилнинг 25 апрель куни давлатимиз раҳбарининг “Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Спинал мушак атрофияси — она ҳомиладорлиги вақтида болада ву-жудга келувчи энг кўп учрайдиган ирсий касаллик бўлиб, ўз вақтида (6 ой ичида) муолажа ўтказилмаса, 2 ёшгача болаларда касаллик оқибати 50 фоиз ҳолатда ўлим билан якулланади. Халқаро статистика маълумотларига кўра, мазкур касаллик янги туғилган ҳар 6-10 минг чақалоқда бир ҳолатда учраб, уларнинг 50 фоизи 2 ёшга етмай, нафас етишмовчилиги сабаб вафот этади.

Юртимизда 77 нафар болада ушбу касаллик тахлили намуналари тасдиқланган. Уларнинг 24 фоизи қариндошлар ўртасидаги ниҳон оқибатида, 40 фоизи икки ва ундан кўп спинал мушак атрофияси билан туғилган болани оилаларда ва 36 фоизи ота ҳам, она ҳам ушбу ген ташувчиси бўлган оилаларда туғилган.

Мазкур қарорда жорий йилнинг 1 майга қадар У.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонасида спинал мушак атрофияси хасталиги билан оғирган бемор болалар учун қўшимча 10 та койка ташкил этиш белгиланган. Бугун шифохонада бу касалликка чалинган болаларга қўлай шарт-шароит яратиш ва ота-оналар сарсон-саргардонлигининг олдини олиш мақсадида ташкил этилган ушбу койкалар қўллаб-қамқоғувларга малҳам бўлди.

Шифохонанинг ёруғ ва озода йўлаги бўйлаб юрар экансиз, барча зарур шарт-шароитга эга хоналарда шифо топиш илмининг болалар ва фарзандининг соғайишидан умидвор ота-оналарга кўзингиз тушади. Уларнинг хасталик, ташвиш ҳорит-ган юзидаги миннатдорликни, эртанги кунга умидни сезиш қийин эмас. Зеро, ота-онаси бундай оғир дардга чалинган болаларни рисоладагидай парваришлай олмаслиги муқаррар. Чунки бу норасидалар малакали тиббий ёрдам ва муолажага муҳтож. Давлат эса улардан бор эътибор ва ғамхўрлигини аямаяпти.

Шу пайтгача спинал мушак атрофияси касаллигига чалинган

болалар даволанадиган аниқ жой йўқ эди. Улар ҳар хил шифохоналарда, туман, вилоят ёки республика тиббиёт муассасаларида даволанарди. Қарорда бу тоифа касалларни даволаш, парваришлаш жараёни босқич-ма-босқич аниқ қилиб кўрсатилди.



Бемор маслаҳат поликлиникасида қўриқдан ўтказилгач, унда спинал мушак атрофияси аниқланса, индивидуал хусусиятлардан келиб чиқиб, яқна тартибдаги реабилитация дастури тузилади. Бу дастурга барча мутахассислар кўриги ва мураккаб лаборатор текширувлар киритилган. Даволаш жараёнида бемор боланинг онаси билан мунтазам суҳбат олиб борилади. Унинг аҳоли ва даволашнинг самарадорлиги баҳоланади.

Самарадорлик паст ҳолатларда бунинг сабаби аниқланади ва яқна тартибдаги реабилитация дастурига ўзгартиришлар киритилади. Мақсад даволаниш жараёнида мушак-асаб тизимидаги хасталикларни реабилитация қилиб, болаларнинг ҳаракатчанлигини оширишдан иборат. Шифохонада дори-дармон ва овқатланиш мутлақо текин, барчаси давлат томонидан молиялаштирилган.

— Президентимиз қарорига мувофиқ, бемор болалар патогенетик дорилар билан мунтазам таъминланяпти, — дейди Республика болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонаси бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича уринбосари Фарҳод Ҳамроев. — Бу дегани мушак-асаб тизимидаги реабилитацияга қўшимча ҳолда ҳамда асосий даво сифатида патогенетик дорилар қўшилгани ҳозиргача эришган натижаларимиз самарадорлигини бир неча баробар оширади ва бу борада илмий кўрсаткичларга сабаб бўлади.

Бухоролик Фарзона Фахриддиновага спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилганида 7 ойлик эди. Ҳозир у 4 ёшда. Скрининг марказида ташхисни илк бор эшитган онасининг кўзига дунё қоронғи қўрилиб кетди. Гулчирай Мирзаева қизининг ривожланишда тенгдошларидан орқада

қолаётганидан ташвишланган, ammo бу қадар жиддий касаллик ҳаёлига ҳам келмаганди. Фарзандини олиб бормаган жойи қолмади. Бухоро шаҳридаги турли шифохоналарда икки ярим йил мунтазам даволатди, ammo натижа бўлмади. Чунки бундай



ташхис қўйилган болалар учун ихтисослаштирилган шифохонанинг ўзи йўқ эди. Кейин Республика болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонаси ҳақида эшитиб, ўтган йилнинг ноябрь ойида илк бор шу ерга келди. Шифохонага жойлаштиришда бироз муаммолар бўлганди ушундан. Ammo 15 кун давомида олинган муолажа илк натижаларини кўрсатди, Фарзонанинг ҳаракат тизимида ижобий ўзгаришлар кузатилди.



— Мана, яна шу ердамиз. Болаларимизнинг соғлиги ва келажагини ўйлаб, Президентимиз топширигига биноан, қўшимча 10 урин ажратилгани бемор болалар ва ота-оналарнинг мушкуллини осон қилди. Шифокор кўригидан сўнг зарур тахлилларни топшириб, шифохонага тезда жойлашдик, — дейди Когон туманининг Янгиҳаёт қишлоғида яшовчи Гулчирай Мирзаева. — Авваллари дори-дармон қиммат, биз ҳамма вақт ҳам сотиб ололмасдик. Энди дорилар текин бериляпти. Бу ерда яратилган шарт-шароит, барча муолажаларнинг бепуллиги, шифокорларнинг хуш муомаласи ва маслаҳати, масъулияти ўз самарасини берапти. Қизим муолажа бошланганининг учинчи куни гавдасини

тик тутди. Авваллари озгина юрса, чарчаб қолар, зинапоядан умуман чиқолмасди. Бундан тўрт ой олдин тушкунликка тушиб қолгандим. Ҳозир фарзандим бемалол юраётганини кўриб, кўнглимда умид уйғонди. Бизга шундай умид ва ишонч берган Президентимиздан миннатдоримиз.

“... Мендан биров бир сўм сўрамади”

Соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан ўтказилган очиқ мулоқот чоғида давлатимиз раҳбари “Бундан буён аҳоли имтиёзли йўлланма билан нафақат давлат шифохоналарига, балки ўзи танлаган хусусий клиникаларга ҳам бемалол бориши мумкин бўлади...” деган эди.

Ўтган вақт давомида ушбу топшириқни бажариш Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсиясига кўра, ўнга яқин нодавлат тиббиёт ташкилоти билан ҳамкорлик шартномаси имзолади.

Улар орасида Қашқадарё вилояти Китоё туманидаги “Dr. Boboyev jagrohlik markazi” ҳам бор. Замонавий жиҳозланган марказ Туркиядаги қатор тиббиёт муассасалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Мамлакатимизда илк маротаба аҳолига кўрсатилган юқори технологик тиббий хизматлар учун мазкур клиникага Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси пул тўлади.

— Шу йил 18 апрелда клиникамиз Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси билан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида шартнома имзолади ва имтиёзга эга беморларни ордер тизими асосида даволаш йўлга қўйилди, — дейди “Dr. Boboyev jagrohlik markazi” директори Қўбилжон Худойкулов. — Бу беморлар учун ўз танловига кўра юқори технологияли клиникаларда даволаниш имкониятини бермоқда. Бемор олис ҳудуддан пойтахтга келиб даволанишга мажбур бўлмайди. Натижада маблағи тежаллади ва ўнга сарфланадиган давлат харажати ҳам кескин қисқаради. Яна бир аҳамиятли жойи шундаки, клиникалар ўртасида эркин рақобат муҳити яратилади ва юртимизнинг барча ҳудудидида тиббий хизмат кўрсатиш сифати юксалади.

Бугунга қадар 20 нафардан ортиқ беморда юқори технологияли жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Яна 6 нафар бемор электрон навбатда.

— Анчадан буён соғлиғим ёмонлашиб, бурак етишмовчилигимдан азият чекаётгандим, — дейди Сарвиғул Ҳамроева. — Йўлланма билан хусусий шифохонада даволаниб чиқдим. Жарроҳлик амалиёти ўтказилгач, ўзимни жуда яхши ҳис қиляман. Даволаш, дори-дармон, жарроҳлик амалиёти учун мендан биров бир сўм сўрамади. Ҳамма харажати Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси тўлаб берди. Бу биз

МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ

Муҳсин ҲОЖИЕВ,
Гулистон давлат университети
ректори, техника фанлари
доктори, профессор

Бугун мамлакатимизда рўёбга чиқаётган амалий-прагматик ислохотлар “Инсон қадрини учун” тамойилига асослангани натижасида нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда ҳам “Янги Ўзбекистон” ибораси такрор-такрор тилга олинмоқда. Бундай ўзига хос эътироф кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимиз, 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясига асосланиб, пухта ўйланган давлат сиёсати олиб борилгани билан чамбарчас боғлиқ.



БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

УЛКАН МАРРАЛАР

ЙЎЛИДАН АДАШМАСЛИККА

УНДАМОҚДА

Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга барпо этишдек буюк гоа бизни илғор ниятлар, улғу мақсадлар, улкан марралар йўлидан адашмасликка ундамоқда, танлаган йўлимиз тўрилигига инонтирмоқда. Бугун жамиятимиздаги қайси соҳани олмайлик, қайси жабҳага назар солмайлик, илгари сурилаётган халқ ташаббуси албатта қўллаб-қувватланмоқда, инвестиция киритилмоқда, бир сўз билан айтганда, халқнинг розилиги йўлида тинимсиз ҳаракат қилинаётир.

Президентимиз ҳар бир нутқидида янги фикр ва ғоялар, тараққиётимизни белгилайдиган устувор йўналишларни тақдир этаркан, Ўзбекистонни янги босқичга олиб чиқиш омиллари, шу билан бирга, ривожланишимизга ғов бўлаётган ҳолатлар, мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг ностандарт ечимларини аниқ, раво, халқчил услубда тушунтириб беради.

Ҳар бир давлатнинг ривожлантирувчи кучи унинг таълим тизимидир. Таълим-тарбия масаласи жамиятни юргизувчи қон

2021 йили 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилгани тасдиқлайди. Бу жараёнда мактаблардаги таълим сифатини тубдан яхшилаш учун ўқув дастурлари, ўқи-тувчилар учун услубий қўлланмалар илғор халқаро мезонларга мослаштирилмоқда.

Президентимиз раислигида мактаб таълимини ривожлантириш масаласига бағишлаб ўтказилган видеоселекторларда тахлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун болаларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарурлиги таъкидланяпти. Бу борада бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига илғор хорижий тажриба асосида, болага ортқча юклама бермайдиган Миллий ўқув дастурини жорий этиш, умумтаълим муассасаларидаги ўқитиш сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам баробар — юқори бўлишини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Соҳадаги катта ўзгаришлардан яна бири шуки, бошқа тумандаги олис мактабга

“Олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2021 йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоиз оширилди. Олий таълим муассасаларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони бу йил икки баробар кўпайтирилиб, 2 мингтага етказилади. Кириш имтиҳонидида энг юқори балл тўплаган 200 нафар талабага 4 йил мобайнида Президент стипендияси бериладиган бўлди.

томири сингари ўта муҳим. Қачон таълим тўғрисида гапирсак, албатта, тарбияни ҳам қўшиб айтмай. Сабаби, таълим ва тарбия ягона, узвий жараён. Таълим бор жойда, албатта, тарбия ҳам бўлиши зарур. Бугун биз миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари деган гоа атрофида бирлашиб, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улкан маррани мақсад қилганмиз. Давлатимиз раҳбари 2020 йили Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидида “Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий халқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Ўйғонш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз”, дея қайд этди.

2022 йилда ривожланишнинг ўзига хос дастури — 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилинди. Мазкур муҳим дастур 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми бўлиб, унинг тўртинчи устувор йўналишини бўлимиш “адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш”да белгиланган мақсадларда таълим тизимининг барча бўғинини жадал ривожлантиришга доир масалалар белгилаб қўйилди.

Бугун Ўзбекистонда бола туғилганидан то 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватладиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилмоқда. Дунё тажрибасидан маълумки, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб воғга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради.

Янги Ўзбекистон шароитида миллий таълим тизимида сезиларли ислохотлар амалга оширилди. Бу ўзгаришларни қатор мисолларда кўриш мумкин.

Биринчидан, мактабгача таълим тизими тубдан ўзгарди. Алоҳида вазирлик ташкил қилинди. Бунинг натижасида соҳада янги-ча руҳ пайдо бўлди. Фарзандларимизнинг мактабгача таълимга қамрови сезиларли ошди. 2021 йил якуни билан мактабгача таълим қамрови 65 фоизни ташкил этди. 2023 йил охиригача эса 75 фоизга етказилиши, қўшимча 2 мингта нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилиши кутилмоқда.

Иккинчидан, мактаб таълимини тубдан яхшилаш масаласи доимий равишда давлатимиз раҳбарининг диққат марказида турибди. Соҳадаги жадал ўзгаришларни

бориб дарс берадиган ўқитувчилар ойлугига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишлаётганларига 100 фоиз устама ҳақ тўланаётир. 2021 йили 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологиялари ихтисослаштирилган 197 та мактаб фаолият бошлади.

Рақобатбардosh миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида замонавий “Янги Ўзбекистон” университети ташкил этилди. Мазкур олийгоҳа хорижлик етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия бериш йўлга қўйилди.

Учинчидан, олий таълим тизимидаги ислохотларнинг янги босқичи Президентимизнинг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланб берилди. Мазкур қарорларга мувофиқ, юртимиздаги олий таълим муассасаларига академик ва ташкилий бошқарувда мустақиллик берилаётган бўлса, 35 та олийгоҳ молиявий мустақил бўлди. Кейинги йиллардан уларнинг сафи кенгайиб бориши қарорда белгиланб берилди.

Олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2021 йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоиз оширилди. Олий таълим муассасаларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони бу йил икки баробар кўпайтирилиб, 2 мингтага етказилади. Кириш имтиҳонидида энг юқори балл тўплаган 200 нафар талабага 4 йил мобайнида Президент стипендияси бериладиган бўлди.

Мамлакатимизда мактабгача, умумий ўрта ва олий таълимда ҳам соғлом рақобат муҳити яратилмоқда. Хусусий боғча, мактаб, университетлар фаолият юритяпти. Давлат-хусусий шериклик асосида Қўқон университети, “Tashkent International University” халқаро университети, Британия менежмент университети, Ёдғу университети, Театр университети, АҚФА университети каби нодавлат олий таълим муассасалари ташкил этилди.

Натижада ёшларимизда танлаш имконияти пайдо бўлди. Бу эса табиий равишда таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиради. Бунинг натижасида олий таълим муассасаларида тизимга кўпроқ ёшларни жалб қилиш учун амалий ҳаракатлар олиб борилади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон”
мухбири

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
филология фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Дунё ҳамжамиятида ўз ўрни, нуфузи ва салоҳиятига эга бўла бораётган янги Ўзбекистон глобал ахборот майдонида кечаётган жараёнларнинг бир-портасидан четда қолаётгани йўқ. Бу ҳолат ахборот ва матбуот тушунчалари янгиланаётганида, журналистика жадал эврилишга юз тутаяётганида, оммавий коммуникация-мулоқот одамлар ҳаётининг ажралмас бўғинига айлана

билан боғлиқ равишда турфа муаммолар вужудга келаётганига табиий жараён сифатида қаралмоғи даркор. Аввало, бу ҳолат кенг аҳоли қатлами учун мутлақо янги воқелик. Мобиль телефон имкониятлари каттаю кичикни оммавий мулоқот субъектига айлантириб улғурди ҳисоб. Утган асрда яшаган машҳур Маршалл Маклюэн (Канада) башорат қилганидек, бугунги кунга келиб, мобиль телефондек янги оммавий ахборот воситаси ўз эгаларини ўзига хос



ахборот воситалари бирмунча мураккаб ахволга тушиб қолаётгани ҳам бор гап.

Газета ва журналнинг асосий яшаш манбаи бўлиши обунга тизими издан чиқди. Доимий ўқувчилар бой берилди. Бунинг оқибатида кўплаб газета-журналлар фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Нима қилмоқ керак, деган савол тобора жиддий тус олмоқда. Жонкуяр муаллифларимизнинг бу борадаги турфа мулоҳазалари матбуотимиз

Талаблар ўзгармоқда — ўзгарайлик, рақобат кучаймоқда — рақобатбардош бўлайлик! Мухлислар қалбига, эътирофу эъзозига олиб борувчи маърифат йўлларини қайта очайлик!

Ҳаётини Учинчи Ренессанс орзусида қайта бошдан бунёд этишга киришган жамиятимизда давом этаётган ислохотларга тўғаноқ бўлаётган муаммолар ҳар қадамда матбуотчиларни, ўткир қаламли журналистларни интизорлик билан кутиб турибди. Давлатимиз раҳбари барча чиқишларида халқни, одамларни рози қилиш олий бурчимиз эканини такрор-такрор уқтирмоқда. Ҳар бир нашр ўз йўналиши бўйича ана шу муқаддас вазифани адо этмоғи йўлида саъй-ҳаракат кўрсатмоғи зарур.

Очигини айтсак, яқин чорак аср мобайнида ўз кўлимиз ва ихтиёримиз билан бой берган имкониятларимиз талайгина. Чунончи, матбуотнинг, жумладан, газета, журнал, радио, телевидениедек энг анъанавий ва энг таъсирчан воситаларнинг кенг омма назаридаги обрў-эътибори бирмунча пасайди. Оммабоплик истиғидида оммавий нашрларга бўлган оммавий ишонч йўқола борди. Кенг омма билан матбуот ўртасида узилиш, узоклашиш рўй берди. Матбуот ўз зиммасидаги муқаддас миссияни бажармай қўйди. Худди шундай узилиш, узоклашиш ва бегоналашиш жараёни чуқурлаша

66 БИР ЎЛМАС ҲАҚИҚАТНИ ТАКРОРЛАШДАН ТОЛМАЙМИЗ: ЭЛЕКТРОН НАШРЛАРНИНГ МЎЎЖИЗАЛАРГА БОЙ ИМКОНИЯТЛАРИ НЕЧОҒЛИҚ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМАСИН, УЛАРНИНГ ҲЕЧ БИРИ БОСМА НАШРЛАР САЛМОҒИ ЎРНИНИ БОСМАЙДИ, БОСОЛМАЙДИ. АХБОРОТ ТУРЛИ МАНБАЛАРДАН ОЛИНИШИ МУМКИН, ФИКР-ТАФАККУР ЭСА ГАЗЕТАДАН — БЕВОСИТА МУТОЛАА ОРҚАЛИ ОЛИНАДИ. ИЖТИМОЙ ФИКР ГАЗЕТА ОРҚАЛИ ЧАРХЛАНАДИ, БОЙИТИЛАДИ, КАМОЛГА ЕТАДИ. ГАЗЕТА — ТАРИХИЙ СОЛНОМА, УНИ ЮЗ ЙИЛДАН KEYIN ҲАМ КЎЗГА СУРТИБ ЎҚИШАДИ.

66 ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛНИНГ АСОСИЙ ЯШАШ МАНБАИ БЎЛИШИ ОБУНА ТИЗИМИ ИЗДАН ЧИҚДИ. ДОИМИЙ ЎҚУВЧИЛАР БОЙ БЕРИЛДИ. БУНИНГ ОҚИБАТИДА КЎПЛАБ ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШГА МАЖБУР БЎЛДИ. НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК, ДЕГАН САВОЛ ТОБОРА ЖИДДИЙ ТУС ОЛМОҚДА. ЖОНКУЯР МУАЛЛИФЛАРИМИЗНИНГ БУ БОРАДАГИ ТУРФА МУЛОҲАЗАЛАРИ МАТБУОТИМИЗ САҲИФАЛАРИДА БОСИЛМОҚДА. КОНКРЕТ АМАЛИЙ ЧОРАЛАР ИЗЛАНМОҚДА.

бораётганида, анъанавий ва замонавий оммавий ахборот воситалари, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ўртасидаги тафовутлар соҳа эгаларини рақобат майдонида қорлаётганида ва ҳоказоларда яққол кўзга ташланмоқда.

Матбуот, оммавий ахборот воситалари ёки журналистика деганда, ортқича изоҳга зарурат қолмасди. Замонавий электрон оммавий ахборот воситалари имкониятлари кенгайгани, хусусан, интернет тармоғи оммалашгани сайин оммавий коммуникация воситалари (ОКВ) тушунчаси соҳада пешқадамликни кўлга ола бошлади. Замонавий эркин жамиятда оммавий коммуникация, яъни оммавий мулоқот эҳтиёжи шу қадар кенг қулоч ёзмоқдаки, унинг миқёси, кўлами, аҳамияти муаммоларини тасвирлаш учун жилд-жилд китоб озлик қилади. Фикримизни Ватанимиз мисолида изоҳлайдиган бўлсак, кейинги 5-6 йилда халқимиз ҳаётида мисли кўрилмаган оммавий мулоқот муҳити вужудга келди. Холис айтиладиган бўлса, бир ярим асрлик миллий матбуот ва ахборот майдонимиз ҳозиргидек эмин-эркинликни билмаган, кўрмаган, қузатмаган.

Бутун башарият туриш-турмушини бошқараётган оммавий мулоқот феномени ҳақида сўз борар экан, бундан 4 йил муқаддам мамлакатимизда Президент қарори билан Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилганига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Мазкур воқеа давлатимиз раҳбарининг ҳаётимиздаги ҳар қандай мақсадга маслак, аввало, илм-фанга асосланмоғи зарур, деган концептуал қарашнинг яна бир тимсолидир. Зеро, малакали соҳа соҳибларини тайёрлаш асосида ҳаёт пешма-пеш кўндаланг қўяётган муаммоларнинг илмий ечимларини ўз вақтида топиш, ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш салоҳиятли мутахассислар сафини мустаҳкамлашни тақозо этади. Утган қисқа фурсатда ушбу олий илмий даргоҳда ёш ва иқтидорли олим ва олималар етишиб чиқаётгани кутилган самара бераётганидан далолатдир.

Интернет нашрлар, чунончи, ижтимоий тармоқлар миллий ахборот майдони минбарига айлангани ва шу

имтиҳондан ўтказмоқда. Телефон орқали саломлашиш, суҳбатлашиш, фикр айтиш, мулоҳаза юритиш, ахборот жўнатиш, баҳслашиш маданиятини, одобини, маҳоратини нечоғлиқ эгаллагансиз, деган саволларга тутмоқда. Ҳозирги яратилган ахборот эркинлиги муҳити ҳар бир ватандошимиз, миллатдошимиз олдида мана шу сингари кўплаб саволларга маърифатли жавоб қайтара олишдек гоят муҳим вазифани кўндаланг қўймоқда.

Фанда инсоният тарихи қишлоқ хўжалиги тамаддунини, саноат тамаддунини босиб ўтган, ҳозир ахборот тамаддунини бошдан кечирмоқда, деган қарашлар мавжуд. Мазкур қараш мантикий давом эттирилса, ҳамонки, башариятнинг порлоқ истиқболи орзусида яшар эканмиз, ахборот одоби, маданияти деб аталмиш навбатдаги тўртинчи тўлқин — тамаддунга кириб бориш эҳтиёжи тобора яққолроқ аён бўлиб бормоқда. Ўйлаймизки, маърифатли соғлом тафаккур бунга қодир.

Жаҳон ахборот майдонида хос бўлган ҳолатлардан бири, яъни янги-янги оммавий ахборот воситалари вужудга келиши мамлакатимизда ҳам соҳанинг ички рақобатини кучайтириб юбормоқда. Ҳар қандай оммавий ахборот воситаси, биринчи навбатда, оммавийлик учун курашади. Бунинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам имиж — обрў-эътибор нуктаи назаридан ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ. Мазкур рақобат майдонида, айни паллада, босма оммавий



саҳифаларида босилмоқда. Конкрет амалий чоралар изланмоқда.

Фикримизча, кўндаланг бўлиб қолаётган муаммолар ечимини топиш, жумладан, босма ва электрон нашрлар ҳаётини сақлаб қолишининг ички ва ташқи сабаблари мавжуд. Ички сабабнинг бош муаммоси битта: ҳар қайси оммавий ахборот воситаси ўз зиммасидаги шарафли миссияни адо этмоғи керак!

бораётган бир пайтда саҳнага электрон ахборот воситалари кириб келди ва яшин тезлигида омманинг онгини, ихтиёрини... қўл-оёғини ишғол этди.

Оммавий ахборот майдонида блогер исми янги фигура пайдо бўлди.

Блогер журналистми, журналист эмасми, деган мавзудаги баҳс-мунозаралар тез-тез қўлоққа чалинмоқда. Аслида бу у қадар фавқуллоҳда ҳодиса эмас. Блогерлик журналистикаси ҳозирги талатўп ҳаёт тақозоси, меваси, ҳолос. Унга ихлос қўйган — ишонганлар бор, шубҳа ва истеҳзо билан қаровчилар ҳам бор. Бу борада ҳам ҳар кимнинг ихтиёри ўзида.

Утган аср охирида Европа давлатлари матбуотида фаолият юритадиган залворли журналистларнинг бир нечталаб ёрдамчи муҳбири бўлган. Улар ўзлари мақола ёзлмаганлар, балки атоқли журналистларнинг қўли, оёғи, қўлоғи вазифасини ўтаган. Жойлардан янги ахборотлар топиб, зудлик билан журналистга узатишган. Журналист олинган ахборотлар, фактлар асосида шарҳлар, таҳлиллар, танқидлар ва ҳоказолар ёзган. Ҳозир бизда

дими, вассалом, вазифамизни ўтадик!” услуби ҳозирги замон журналистикаси “об-ҳаво”сини белгилаб бермоқда.

Ваҳоланки, бирламчи ахборот тарқатиш журналистиканинг бошланиши, ибтидоси, ҳолос. Ҳақиқий журналистика таҳлил қилади, тадқиқ этади, шарҳлайди, фикрлашга ундайди, дунёқарашларни шакллантиради, йўналтиради, завқ-шавқ бағишлайди. Бундай кўламли вазифани фақат ва фақат босма нашрлар — газета ва журнал саҳифаларида чоп этиладиган, маҳорат билан ёзилган, салмоқли мақолалар зиммасига олиши мумкин.

Айрим зиёлиларимизнинг “Газета ўз вазифасини ўтаб бўлди, унга эҳтиёж қолмади”, деган ақидасини очиқ-ошкор айтишлари ҳам жамиятимизда қарор топаётган сўз ҳурлиги “меваси”, ўзига

Янги Ўзбекистонимизда шаклланаётган, тобланаётган янги журналистика, янги матбуот ва янги журналистлар авлоди ҳаёт ва замон кўндаланг қўяётган ҳар қандай муаммоларнинг оқилона ечимини топа оладилар, деб ишонамиз. Зеро, матбуот ва журналистика — матонатлилар, топқирлар, зукколар майдони!